

322- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташилдаты) учун

Навоий ш.

2022 йил “01” январ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021-йил “30”декабр даги 27-01-14/6032 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияning Навоий филиали директори Джурасев Ж.К. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Возоди Ахмад номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Джуринов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда – биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйдагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартномаси) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномаси имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хўжатсан олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномаси имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиби, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатилиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тuri хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан холда белгиланади.

2. Томонларниң ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномаси имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномаси имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартномаси амал килиши даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартномаси бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартномаси тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараённида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириши учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартномаси тузилган вақтда белгиланган барча солислар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартномаси тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк қуни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланинда Абонент тўлови **100 (бир юз)** фониз миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида хамда ушбу Шартномасининг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тuri учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташилоти бўлган Абонент учун Шартномасининг умумий суммаси ушбу Шартномасининг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматларни ҳажми билан белгиланади.

Шартномасининг умумий суммаси (КҚСни ҳисобга олган холда) 120000 (одир юз иштирокчи миқдори) сўм миқдоридай Абонент тўловини хамда () миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартномасининг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномаси асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилгандан кундан бошлаб **3 (уч)** банк қуни ичидан ушбу Шартномаси кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблагларини ўтказиши йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматларни ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатилиши учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартномасининг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатшини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равнида блокирошка килиш учун ариза топшириши керак. Блокирошка килиши тартиби Оферта кондадари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўрнишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўлананиши мумкин ва Шартномаси бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномаси мувофиқ ҳар бир хизмат тuri учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн)** иш қуни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тuri бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътироzlарни асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилладиган хизматлар учун тўлов талаабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилishi мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган маъжбуриятларни бажармаганини учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва маъжбуриятлари билан боғлик равинда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашини тартибида солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан маъжбуриятларини қатъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаша ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпти билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат таалаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда маъжбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонента тағтил этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттиrsa ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул килганини) хақидаги жавобини билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь куни ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мўхрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиклangan бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Навоий филиали	АБОНЕНТ: Вилоят хокимлиги Ижтимоий Мослашув маркази
Манзил: Меъморлар 17А Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 4040 7483 8382 ; СТИР: 203366731; МФО: 00401 АТБ “Алокабанк” Тел: 792240212 ; E-mail: b2b@uztelecom.uz ; Оператор номидан: /имзо/ М.У.	Манзил: <i>Навоий ҳ., Шабодзе 7/15</i> Банк маълумотлари: х/р: <i>100021860124017109401018001</i> СТИР: <i>202102823</i> МФО: <i>00014</i> ; Банк номи: <i>МБ</i> Тел: <i>3-36-82</i> E-mail: <i></i> Абонент номидан: /имзо/ Ф.И.Ш. <i>А. Уриков</i>

